

ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАЛСАФИЙ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТАВСИФИ

Каримов Камолдин Насриддинович

Андижон давлат чет тиллари институти

мустақил тадқиқотчиси,

e-mail: king230680@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада тил ва терминология масаласи, соҳага оид терминологиянинг шаклланиши ҳақида фикрлар илгари сурилган бўлиб, Инглиз тилидаги фалсафий терминларнинг ўзбек тилидаги таржимаси ва эквивалентлари берилган.

Шунингдек, мақолада терминологик системаларни ташкил қилиш ва терминологик луғатларни тузишга қуйилган талаблар тавсифий характерда берилган бўлиб, улар бўйича хулосалар умумлаштирилган.

Калит сўзлар: термин, терминология, аффикс, конверция

Термин шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар билан боғлиқ: лингвистик воситалар (миллий тил бирликлари, бошқа тиллардан олинган сўзлар ва сунъий шаклланишлар), терминни шакллантириш усуллари (семантик, морфологик, синтактик), терминнинг семантик тузилиши хусусиятлари билан боғлиқ. Бир неча йиллар давомида кўплаб олимлар (С.В.Гринев, В.А.Татаринов, В.М.Лейчик, В.П.Даниленко) томонидан янги терминларни шакллантиришнинг асосий механизмларини таснифлашга ҳаракат қилинган.

Олим Д.С.Лотте терминларнинг шаклланиши ва қўлланиши ҳақида қуйидагича ёзади: “Сўзларнинг махсус лексик категорияси сифатида терминнинг ўзига хослиги шундаки, улар ишлаб чиқариш ҳамда илмий фаолият жараёнида яратилади. Шунинг учун нутқда оддий сўзлардан фарқи ўлароқ, атаманинг ноаниқлиги экстралингвистик макротекст ёки лингвистик микротекст билан тартибга солинади⁵⁸.”

Адабиётларда, тадқиқотларда аффиксларнинг ихтисослашуви биологик, тиббий ҳамда кимёга оид терминологияда кўп кузатилиши қайд этилади. Жумладан, кимёга оид терминлар, асосан, қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалиши келтирилади: 1) асосий органик бирикмалар ва галогенларнинг номлари *-ine* [en] қўшимчаси ёрдамида – *amine*, *fluorine* – (омин, фтор) ; 2) асосий бўлмаган органик бирикмаларнинг номлари *-in* [in] қўшимчаси ёрдамида – *salicin* (салицин); 3) ацетилен қатор углеводородлар номлари *-yne* [i:n] қўшимчаси ёрдамида – *propyne* (пропйне);

⁵⁸ Лотте Д. С. Образование системы научно-технических терминов // Основы построения научно-технической терминологии М., 1961. С. 73.

Биологик терминни шакллантиришда инглизча *dis-*, *en-* префикслари кенг қўлланиши қайд этилган. Масалан: *disafforest* (ўрмонлар кесиш), *disbranch* (шоҳаларни кесиш), *dislodge* (хайвонларни инидан ҳайдаб чиқармоқ), *engraft* (эмлаш).

Бошқа соҳалар терминологиясида қўшимчалар маъноларининг тизимли ихтисослашуви деярли йўқлиги таъкидланади⁵⁹. Аммо бу фикр ўзини унчалик ҳам оқламайди. Чунки тадқиқотимиз объекти бўлган фалсафий терминларни ҳосил қилишда ҳам фаол қўшимчалар мавжудки, қуйида шуларга батафсил тўхталиб ўтамыз.

Инглиз тилида фалсафий атамаларни ифодалашнинг асосий воситаларини аниқлашдан олдин инглизча атамаларнинг тузилишини кўриб чиқишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аффиксация усули. Инглиз тилида аффиксация сўз ва атамалар ясалишининг асосий усулларида бири ҳисобланади. Е.В.Иванова айтганидек, “Аффиксация сўз шаклланишининг энг кенг тарқалган манбаларидан бири бўлиб, бу асосга аффикс қўшишдир⁶⁰”. Т.И.Арбекова аффиксацияни “Сўз асосига аффикслар қўшиш орқали янги сўзларни шакллантириш усули⁶¹” сифатида белгилайди. Э.М.Дубенец “Affixation has been one of the most productive ways of word-building throughout the history of English. It consists in adding an affix to the stem of a definite part of speech” (“Аффиксация инглиз тили тарихи давомида сўз яшанинг энг самарали усулларида бири бўлиб келган. Бу нутқнинг аниқ бир қисми учун аффикс қўшишдан иборат⁶²”), деб белгилайди.

В.В.Елисеева “Замонавий инглиз тилидаги сўз ясалишининг асосий усуллардан бири аффиксация – бу ўзак ёки асосга аффиксларни қўшишдан иборат⁶³”, – деб ёзади.

Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, аффикслар тирик ва ўлик аффиксларга бўлинади. Жонли аффиксларни сўз ўзагидан осонгина ажратиш мумкин. Ўлик аффикслари сўз асоси билан тўлиқ боғланган ва ўртача диахроник таҳлил қилинган қатламга мувофиқ. Инглиз тилидаги фалсафий атамаларнинг шаклланишида кўп сонли қўшимчалар ва префикслар лотин ва юнон тилларидан ўзлаштирилган.

Масалан, *-ism* аффикси лотин тилининг қўшимчаси бўлиб, фалсафий сўзлар ва таълимотларнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Масалан:

MONOTHEISM – the belief that there is only one god. The three monotheistic religions with the most followers are Christianity, Judaism, and

⁵⁹ https://knowledge.allbest.ru/languages/2c0a65625b2ac68a5c43a89521306c27_0.html

⁶⁰ Иванова, И.П., Бурлакова, В.В., Поченцов, Г.Г. Теория грамматики современного английского языка: учебник. / И.П. Иванова, В.В. Бурлакова, Г.Г. Поченцов.-М.: Высшая школа, 1981. – 147 с.

⁶¹ Арбекова, Т. И. Лексикология английского языка (практический курс): учеб. пособие для II-III курсов ин-тов и фак. иностр. яз./ Т. И. Арбекова. – М.: Высшая школа, 1977. – 45 с

⁶² Dubnetc, E.M. Modern English Lexicology: theory and practice. – Moscow: Glossa-Press, 2002. – 192 p.

⁶³ Елисеева, В.В. Лексикология английского языка / В.В. Елисеева. - СПб.: Home English, 2003. - 36 с.

Islam⁶⁴. (*Монотеистика – ягона худо борлигига ишониш. Энг кўп тарафдорлари бўлган учта монотеистик динлар: насронийлик жудаизм ва исломдир.*)

IDEALISM – the belief that your ideals can be achieved, often when this does not seem likely to others⁶⁵. (*Идеализм – бу сизнинг идеалларингизга эришиш мумкинлигига ишониш.*)

AGNOSTICISM – having the believes of an agnostic⁶⁶. (*Иймонсизлик – Худо борлигига шубҳаланиш.*)

DUALISM – philosophy [noun] the belief that things are divided into two often very different or opposing parts⁶⁷. (*Дуализм – фалсафада [от] нарсаларнинг кўпинча бир-биридан жуда фарқ қиладиган ёки қарама-қарши бўлган икки қисмга бўлинганлигига ишониш.*)

SOLLIPSISM – the idea in philosophy that only the self exists or can be known⁶⁸. (*Солипсизм – фалсафада фақат ўзини ўзи бор ёки билиш мумкин деган ғоя.*)

REALISM – a way of thinking and acting based on facts and what is possible, rather than on hopes for things that are unlikely to happen⁶⁹. (*Реализм – умидсизликка эмас, балки ҳақиқатга ва мумкин бўлган нарсага асосланган фикрлаш ва ҳаракат қилиш усули.*)

Агар инглиз тилидаги фалсафий атамаларнинг тузилишига назар ташласак, улар ўзбек тилига қараганда содда. Фалсафий терминлар тузилишига кўра содда туб, содда ясама ва мураккаб (бирикмали) бўлиши мумкин.

Содда сўзлар битта ўзақдан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти инглиз тилининг қадимий сўзларига тегишли ва бошқа тиллардан олинган. Фалсафий атамаларнинг аксарияти инглиз тилига юнон, лотин, француз ва немис тилларидан ўтган. Замонавий инглиз тилида лотин фалсафий атамалари жуда кўп. Улар ўзақ, икки ёки ундан ортиқ қўшимчалардан иборат. Жумладан: *eternity* – абадият, *abstraction* – абстракция, *cognition* – маърифат, *materialism* – материализм, *idealism* – идеализм, *realism* – реализм, *development* – ривожланиш, *endlessness* – чексизлик, *opposition* – зиддият ва бошқалар.

Суффиксал сўз ясалиши (Суффикслар ёрдамида сўз ясалиши). Кўпгина олимлар инглизча қўшимчаларни турли хусусиятларига кўра таснифлашади. Инглиз тилидаги фалсафий атамаларни шакллантиришда самарали деб ҳисобланиши мумкин бўлган қўшимчалар мавжуд. Масалан:

-ist қўшимчаси юнонча суффикс бўлиб, фалсафий тушунча, таълимот ва йўналишни ифодалаб, от ясайди: *anarchist* –анархист, *atheist* –атеист, *dogmatist* –

⁶⁴ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edicition

⁶⁵ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edicition

⁶⁶ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edicition

⁶⁷ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edicition

⁶⁸ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edition

⁶⁹ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edition

догматик, *dualist* – дуалист, *idealist* – идеалист, *ideologist* – идеолог, *realist* – реалист, *materialist* – материалист ва ҳоказо.

RATIONALIST – someone whose actions and decisions are based on reason rather than emotions or beliefs⁷⁰. (*Рационалист – ҳаракатлари ва қарорлари, ҳиссиётлар ёки эътиқодларга эмас, балки маълум бир сабабга, ақлга асосланган киши.*)

REALIST – an artist, writer, etc. Who represents life as it really is, rather than in an imagined way⁷¹. (*Реалист – ҳаётни ҳаёлдагидек эмас, балки қандай бўлса, шундайлигича (ҳақиқатдагидек) тасвирловчи киши.*)

-ness қадимий, от ҳосил қилувчи самарали суффик ҳисобланади. Ушбу қўшимча ҳатто қадимги инглиз тилида ҳам самарали бўлган. Фалсафада у ҳаётимизда мавжуд бўлган нарса ёки ҳодисанинг сифати ва ҳолатини англатади: *directness* – тўғридан-тўғри, *endlessness* – чексизлик, *consciousness* – онг, *beautifullness* – гўзаллик, *darkness* – зулмат, *reflexiveness* – рефлекслик, *receptiveness* – қабул қилувчанлик, *resoluteness* – қатъийлик, *lawfulness* – қонуният ва ҳоказо.

-ing суффикси феълга қўшилиб от ясади: *being* – моҳият, *wellbeing* – фаровонлик.

Лотин тилидан инглиз тилига ўтиб, бир қатор фалсафий атамаларни ҳосил қилувчи -tion қўшимчаси отларни ҳосил қилувчи қўшимчалар қаторига киради: *apperception*, *perception* – идрок, *cognition* – онг.

-ion қўшимчаси лотин тилидан фалсафий терминосистемада, асосан, ҳолат маъносига эга бўлган атамалар-отларни ҳосил қилади⁷²: *opinion* – фикр, нуқтаи назар, *possession* – эгалик қилиш ва ҳ.

-al қўшимчаси ҳам фалсафий термин ҳосил қилишда иштирок этади:

LOGICAL, а. 1. Pertaining to logic; used in logic. 2. According to the rules of logic. 3. Skilled in logic; versed in the art of thinking and reasoning; discriminating⁷³. (*Мантиқий – 1. Мантиққа тааллуқли; мантиқда қўлланилади. 2. Мантиқ қоидаларига кўра. 3. Мантиқий билимга эга; фикрлаш ва мулоҳаза юритиш санъатидан хабардор; дискриминациялаш.*)

Префикс ёрдамида сўз ясалиши (олд қўшимча). Префиксация – бу сўз ўзагига префикс қўшиш орқали сўзнинг ясалиши. Инглиз тилида фалсафий атамаларни шакллантиришда самарали бўлган ва фалсафий терминологияда турли хил семантикага эга бўлган қўйидаги префикслар мавжуд:

⁷⁰ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edicition

⁷¹ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edicition

⁷² Комилов М.М. Основные способы образования философских терминов в английском языке // «Языкознание и литературоведение». <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnyie-sposoby-obrazovaniya-filosofskih-terminov-v-angliyskom-yazyke>

⁷³ An American Dictionary of the English Language: Exhibiting the Origin, Orthography, Pronunciation, and Definitions of Words [Noah Webster](#)

Конверсия. 1981 йилда Х.Свит “Инглиз тили грамматикаси” китобида “конверсия” атамасини ишлатган. И.В.Арнольднинг таъкидлашича, “Ушбу сўз ҳосил қилиш усули учун турли хил терминлар мавжуд: қўшимчасиз сўз яшаш, нол сўз ясалиши, ўзак сўз шаклланиши, шакл билан бирлаштирилган сўз шаклланиши ва бошқалар⁷⁴”.

Профессор А.И.Смирницкий конверсияни сўз ясалишининг морфологик усулига тааллуқли деб ҳисоблайди. Бундай ҳолда, сўз бир парадигмадан бошқа парадигмага сўзни шакллантириш воситаси сифатида ўтади. Шунинг учун биз конверсияни сўз парадигмасини ўзгартириш орқали янги сўзнинг шаклланиши деб таърифлаймиз. Парадигма морфологик категория бўлгани учун конверсия сўзларнинг морфологик шаклланиш усули сифатида тавсифланади.

М.Комилов конверсия инглиз тилида фалсафий атамаларни шакллантиришнинг самарали усулларида бири эканлигини таъкидлайди. У инглиз тилидаги фалсафий атамаларнинг тузилишини таҳлил қилиш натижасида конверсиянинг 5 турини аниқлаган⁷⁵. Конверсиянинг беш туридан учтаси самарали, иккитаси самарасиз. Конверсия одатда бир морфемали сўзлар билан чекланади, фақат ўзак сўзлар билан бирга келадиган қуйидаги бир қатор олинган сўзлар бундан мустасно: 1) феъллардан келиб чиққан отлар: *produce* – маҳсулот, *rule* – қоида, *dispute* – мулоҳаза; *image* – тимсол, образ. 2) сифатлардан келиб чиққан отлар. Улардан баъзилари отларга алмаштирилган сифатлардир: *antifascist* – антифашист, *general* – умуман, *ideal* – идеал, *incognizable* – идрок қилиб бўлмайдиган, *intelligent* – ақлли; *leading* – етакчилик қилмоқ; *legislative* – қонун органлари; *living* – ҳаёт, ҳаёт тарзи; *material* – материл; *thinking* – тафаккур, *true* – ҳақиқат, *passive* – фаолиятсиз ва ҳ. 3) отлардан келиб чиққан сифатлар (уларнинг аксарияти ясама атамалар): *freethinking* – эркин фикрлайдиган, *capital* – бош, *class* – синф, *animal* – ҳайвонот, *feeling* – ҳис қиладиган, *future* – келажак; *mass* – тўда; *middle* – ўрта, *state* – давлат, *unbeing* – мавжуд эмас. 4) отлардан келиб чиққан феъллар: *to aim* – ният қилмоқ, *to free* – озод қилмоқ; *to love* – севиб қолмоқ; *to shape* – шаклланмоқ; *to use* – фойдаланмоқ ва ҳ. 5) сифатлардан феълларнинг ҳосил бўлиши: *to free* – озод қилмоқ, *motive* – мотивация бермоқ.

Шундай қилиб, конверсия – бу сўз яшашнинг бир усули бўлиб, унда янги сўзнинг шаклланиши сўз (термин) асосини бошқа парадигмага ўтказиш орқали содир бўлади. Одатда ҳосил бўлган лексема нутқнинг бошқа қисмига тегишли бўлади⁷⁶.

⁷⁴ Арнольд, И.В. Лексикология современного английского языка: учебное пособие / И.В. Арнольд. – 2-е изд., перераб. – М.: ФЛИНТА: Наука, 2012. – 136 с.

⁷⁵ Комилов М.М. Основные способы образования философских терминов в английском языке // «Языкознание и литературоведение». <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-sposoby-obrazovaniya-filosofskih-terminov-v-angliyskom-yazyke>

⁷⁶ Комилов М.М. Основные способы образования философских терминов в английском языке // «Языкознание и литературоведение». <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-sposoby-obrazovaniya-filosofskih-terminov-v-angliyskom-yazyke>

Инглиз тилида бир, икки, уч ва кўп компонентли фалсафий терминлар мавжуд бўлиб, уларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: *philosophy of* – ҳаёт фалсафаси, *human life* – инсон ҳаёти, *relative truth* – нисбий ҳақиқат, *dialectic understanding of negation* – инкорни диалектик тушуниш, *extended predicate calculus* – кенгайтирилган предикат ҳисоби, *negative form of conditional syllogism* – шартли силлогизмнинг салбий шакли, *the third figure of a simple categorical syllogism* – оддий категорик силлогизмнинг учинчи фигураси.

Инглиз тили фалсафий терминларида ҳам гибрид терминлар мавжуд. Масалан:

PANTHEISM belief in many or all gods, or the belief that god exists in and is the same as all things, animals, and people within the universe⁷⁷. (**PANTEIZM** [пан.. + юн. theos – худо] – ко'р yoki barcha xudolarga e'tiqod yoki xudo borligi va koinotdagi barcha narsalar, hayvonlar va bir xil ekanligiga ishonish.)

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилида фалсафий атамалар аффиксация (олд ва сўнг қўшимчалар ёрдамида), бирикмали ва конверсия орқали шаклланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Комилов М.М. Основные способы образования философских терминов в английском языке // «Языкознание и литературоведение». <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-sposoby-obrazovaniya-filosofskih-terminov-v-angliyskom-yazyke>
2. Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edition
3. Арнольд, И.В. Лексикология современного английского языка: учебное пособие / И.В. Арнольд. – 2-е изд., перераб. – М.: ФЛИНТА: Наука, 2012. – 136 с.
4. An American Dictionary of the English Language: Exhibiting the Origin, Orthography, Pronunciation, and Definitions of Words [Noah Webster](#)
5. Dubnetc, E.M. Modern English Lexicology: theory and practice. – Moscow: Glossa-Press, 2002. – 192 p.
6. Арбекова, Т. И. Лексикология английского языка (практический курс): учеб. пособие для II-III курсов ин-тов и фак. иностр. яз./ Т. И. Арбекова. – М.: Высшая школа, 1977. – 45 с
7. Елисеева, В.В. Лексикология английского языка / В.В. Елисеева. - СПб.: Home English, 2003. - 36 с.
8. Иванова, И.П., Бурлакова, В.В., Поченцов, Г.Г. Теория грамматики современного английского языка: учебник. / И.П. Иванова, В.В. Бурлакова, Г.Г. Поченцов.-М.: Высшая школа, 1981. – 147 с.

⁷⁷ Cambridge Advanced Learner's Dictionary, 4 th edition